



Германиянинг Кёльн шаҳрида ўтказилаётган Жаҳон озик-овкат маҳсулотлари ва ичимликлар ярмаркасида ҳалол маҳсулотлар бозорига йўналтирилган Anuga Halal Market ташкил қилинди. Ҳалол бозор бир вақтнинг ўзида ҳам кийинчилик, ҳам янги имкониятни ифодалайди.

Ҳалол маҳсулотларнинг зарур шаффофлиги ва саноатлашуви Германияда яшовчи беш миллиондан ортиқ ва Европа бўйлаб 50 миллиондан ортиқ мусулмонларнинг ҳавфсизлиги ва сифат талабларига жавоб берадиган сертификатни талаб қилади. 2021 йил 9 октябрдан 13 октябргача чакана савдо шохобчаларида бўлиб ўтадиган Anuga Halal Market гўшт ва сут маҳсулотларидан тортиб музлатилган озик-овкат, ширинлик ва яхна овкатларгача бўлган ҳалол секторнинг бутун таъминотини қамраб олади.

Махсус қўрғазмада озик-овқат чакана савдоси вакиллариға ҳалол маҳсулотлар асортименти билан танишиш имконияти тақдим этилмоқда.

Шу билан бирға, ушбу формат нафакат муслмон истеъмолчиларидан, балки ҳалол маҳсулотларға бўлган талабнинг ўсиб боришини ҳис қилувчи халқаро харидорларға қаратилган бўлиб, бу фойдали бозор «ниша»си ҳисобланади.